



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 6 сентябрь, № 176 (6611)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАМИША ХАЛҚИМИЗ ЮРАГИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносида мамлакатимиз Президентига Ислон Каримов хотирасига бағишланган маросим давом этди. 5 сентябрь куни вазирлик ва идоралар, корхона ва ташкилотлар, маҳаллалар, таълим муассасалари жамоалари, жамоатчилик вакилларининг қадами узилмади.

Бу ерга келувчилар Сенат биносига ўрнатилган Президентимизнинг портрети олдида бош эгиб, пойига гуллар қўйди. Турнақатор бўлиб тизилган одамлар юз-кўзида, нигоҳида ўз раҳнамосига бўлган чексиз меҳр-муҳаббат, юксак ҳурмат-эҳтиром билан бирга, оғир йўқотиш туфайли чуқур қайғу ва аччиқ кўз ёшлар...

— Президентимиз Ислон Каримов халқимизни нафақат мустақилликка олиб чиқди, балки уни мустаҳкамлаш йўлида бутун борлигини бахшида қилди, — дейди пойтахтимизнинг Олмазор тумани Қорақамиш даҳасида истиқомат қилувчи Абдумўмин Каримов. — Ёшим тўқсонга яқинлашди, лекин бундай халқпарвар, доно ва доворак раҳбарни кўрмаганман. Собиқ тузум даврида вайрон бўлган қадамжолар Юртбошимиз раҳнамолигида қайта тикланди. Дину диёнатиимиз ўзимизга қайтди. Бундай савобли ишлари билан Ислон Каримов ҳаётлигидаёқ ўзига боқий

хайкал ўрнатганди. У кишини нафақат биз, балки неча асрлар давомида авлодларимиз ҳам юксак эҳтиром билан хотирасида сақлайди.

— Мустақиллик туфайли халқимиз ўзлигини топди, дунёда ўз ўрнига эга бўлди, — дейди Шайхонтоҳур тумани Қўқча дарвоза маҳалласида яшовчи Бону Раҳимова. — Бугун байроғимиз халқро майдонда, жаҳон ареналарида ҳилпираганда кўксимиз гурурга тўлади. Буларнинг барчасида доно давлат раҳбаримиз Ислон Каримовнинг хизматлари беқиёс. Ҳозир юракларимизда шундай чексиз қайғу борки, буларни сўз билан ифода этиш қийин.

— Президентимиз Ислон Каримов халқимизнинг ҳар бир вакилини чин юракдан яхши кўрарди, — дейди юнусободлик Людмила Проценко. — Бунини ҳис қилганмиз, биз ҳам уни доим яхши кўрганмиз, қадрлаганмиз. Айниқса, миллатлараро тотувлик муҳитини яратгани, бу масалага юксак даража-



да доим эътибор қаратгани мамлакатимизда тинчлик, осудалик, ҳам-жиҳатликни мустаҳкамлади. Юздан зиёд миллатни бир байроқ остига

бирлаштирди, бир мақсад сари бошлади. Бу борада Ислон Каримов бошлаб берган хайрли анъаналарни давом эттириш, уларнинг “Ўзбекистон — умумий уйимиз!” деган даъватини авлодлардан-авлодларга етказиш бизнинг бурчимиз.

— Президентимиз Ўзбекистонни дунёда тенглар ичра тенг қилиш билан бирга, бу табарруқ заминда истиқомат қилаётган барча элу элатларни бирдек қадрлади, эъзозлади, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси халқ артисти Кенгесбой Сержанов. — Хусусан, қорақалпоқ халқига эътибори бўлакча эди. Оғир глобал экологик муаммолар гирдобига қолган бу тупроқ истиқлол туфайли эътибор топди, гуллаб-яшнади. У ерда тугилиб ўсган истеъдод-

лар жаҳон сахналарига, спорт ареналарига чиқди. Бу йўлда қилинган хайрли ишлари ҳеч қачон унутилмайди, асрлар оша яшайди.

— Юртбошимиз ҳар бир ўғил-қизга оталарча меҳр-эътибор кўрсатгани, уларга дунёда тенги йўқ шарт-шароитларни яратиб бергани тарих зарвақларига мангу муқрланади, — дейди Учтепа туманидаги 251-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Мухайё Пирматов. — Чунки мустақиллигимизнинг йигирма беш йили давомида бу йўлда қўйилган мустаҳкам пойдевор йиллар ўтгани сари ўз самарасини бераверади. Фарзандларимиз халқро фан олимпиадалари, Олимпиада ўйинларида унлаб медалларни қўлга киритмоқда, бу муваффақиятларимиз-

нинг салмоғи бундан кейин янада ошиб бораверади. Халқимизнинг нафақат бугунги, балки келажакда эришажак галабалари ҳам Ислон Каримов номи билан боғлиқ бўлади.

— Президентимиз бизга доим азиз фарзандларим, деб мурожаат қилганлари қалбимиздан чуқур жой олган, — дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси Орифжон Аскарлов. — Биз буюк Юртбошимизга ўхшашга, у кишининг ишончини оқлашга ҳаракат қилганмиз. Бизнинг келажакимиз йўлида доим куйинсари ўз самарасини бераверади. Президентимиз бошлаган ишларнинг муносиб давомчилири бўлишга интиламиз.

(Давоми 2-бетда).



БУЮК ЙЎЛБОШЧИНИ ХОТИРЛАБ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов вафоти муносабати билан Қашқадарё вилоятининг барча туман ва шаҳарларида мотам тадбирлари ўтказилмоқда.

Эрта тонгдан корхона, ташкилот ва муассасалар вакиллари, ёшлар, умуман, ўн минглаб қашқадарёликлар Қарши шаҳридаги “Эл-юрт таянчи” монументига келиб, майдонда ўрнатилган Юртбошимиз портрети пойига гуллар қўймоқда.

Истиқлол йилларида Қашқадарё вилоятда ҳам кенг қўллаб-қувватлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Вилоят шаҳар ҳамда қишлоқлари замонавий қиёфа касб этиб, ишлаб чиқариш корхоналари, илм-фан, маданият, санъат ва спорт қосоналари барпо этилди, аҳоли фаровонлиги юксалди.

Кейинги йилларда ёқилғи-энергетика саноатида салмоқли натижаларга эришилди. Жумладан, “Муборакнефтьгаз”, “Шўртаннефтьгаз”, “Муборакгаз” қайта ишлаш заводи” корхоналарида янги қувватлар барпо этилди. “Шўртангаз-кимё” мажмуаси, Таллимаржон ИЭС каби йирик корхоналар

ишга туширилди. “Хисорнефтьгаз”, “Қўқдумалоқгаз” каби йирик қўшма корхоналар ташкил этилди. 2010 йилда ишга туширилган Деҳқонобод қалийли ўғитлар заводида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бугун хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларини тубдан қайта қуриш бўйича кенг қўллаб-қувватлаш ишлари амалга оширилди. Президентимиз Ислон Каримовнинг 2013 йил 25 июлдаги “Қарши шаҳрини келажакда қайта қуриш режаси ва замонавий йўл-транспорт коммуникацияларини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарорига асосан, Қарши шаҳрининг ҳудуди 9 минг гектардан 17 минг гектарга кенгайтирилмоқда. Айни пайтда шаҳарнинг Ўзбекистон, Мустақиллик, Амир Темур, Алишер Навоий, Насаф, Хонобод кўчаларини кенгайтириш, атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, ташқи ёритиш ускуналари ва фавворалар ўрнатиш бўйича ишлар давом эттириляётди.

Президентимиз ташаббуси билан Қашқадарё дарёси қирғоғини ободонлаштириш ва замонавий аҳоли дам олиш масканлари ташкил этиш бўйича

ишлар якунига етказилди. Хусусан, дарё суви 3 суний тўғон ёрдамида кўтарилиб, унинг тўлиб оқиши таъминланди. Бу ишлотлар суви тўплаш баробарида, филтрлаш вазифасини ҳам бажаради.

Қашқадарё аҳли бу ишларнинг барчасини Ислон Каримов номи билан боғлайди. Давлатимиз раҳбарининг сўнги сафари ҳам Қашқадарё вилоятига бўлган эди. Қашқадарё халқи Ислон Каримовнинг бутун мамлакатимизда, жумладан, вилоятимизда амалга оширган буюк ишларини, оғир давларда вилоят аҳлига кўрсатган гамхўрликларини асло унутмайди.

— Буюк Йўлбошимиз, Ватанимиз мустақиллигининг асосчиси, Биринчи Президентимиз Ислон Каримов қалбимизда абадий яшайди, — дейди вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси Эсон Ражабов. — У киши вилоятда иш бошлаган кезларда аҳвол ўта оғир ва мураккаб эди. Барча соҳада иш орқага кетган, халқ ночор аҳволга тушиб қолганди. Ана шундай оғир шароитда у киши ишни аҳоли турмушини яхшилашдан бошлади. Худудда томорқачиликни ривожлантирди. Деҳқончилик қилиш учун аҳолига ер участкалари ажратди. Инсон

манфаати, одамларнинг турмуш даражасини яхшилаш, фарзандларимиз учун ҳеч қандам кам бўлмаган шароитлар яратишга доимий равишда устувор аҳамият қаратди. Одамлар ишончини, меҳрини қозонган Ислон Каримов бутун элимиз қалбиде, келажак авлодлар ёдида мангу яшайди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов вафоти муносабати билан Самарқанд вилоятининг барча туман ва шаҳарларида мотам тадбирлари бўлиб ўтмоқда.

Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуаси шу кунларда нафақат вилоят аҳли, балки мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган юртдошларимиз, хорижлик меҳмонлар билан гажвум. Улар бу ерда ташкил этилган хотира бурчаги ва Президентимиз портрети пойига ўзларининг Юртбошимизга бўлган чексиз меҳр-муҳаббати, садоқатининг рамзи сифатида гуллар қўйиб, ҳурмат бажо келтиряпти.

— 2014 йил май ойида ушбу мажмуада ўтказилган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий

мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзудаги халқро конференциянинг очилиш маросимига Президентимизнинг “Қаерда тинчлик ва барқарорлик бўлсагина илм-фан марказлари, академиялар, олий ўқув юртлири пайдо бўлади. Энг асосийси, таълим-тарбия равақ топиб, унга қизиқиш, эътибор кучаяди. Тинчлик-барқарорлик бўлган жойдагина одамлар ўқиб-ўрганишни, ҳар томонлама ривожланишни истайди”, деган фикрлари ҳамон қулоқларим остида жаранглаб турибди, — дейди Самарқанд давлат университети профессори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Муслихиддин Мухиддинов. — Ислон Каримовнинг юртимизда тинчлик-осойишталикнинг кафолати бўлгани ҳамда ёшлар таълим-тарбиясига, маънавиятга, адабиётга юксак эътибори туфайли бугун Самарқанд Амир Темур бобомиз давридагидек, илм-фан, маданият марказига айланди. Ҳозир шаҳарда саккизта олий таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси ва ғояси билан бунёд этилган Форумлар мажмуасида халқро илмий анжуманлар, сиёсий тадбирлар ўтказилаётди.

(Давоми 2-бетда).

ТАЪЗИЯНОМАЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг вафоти муносабати билан хорижий давлатлар, ҳукуматлар, нуфузли халқро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари, ишбилармон ва академик доиралар вакилларидан таъзияномалар келмоқда. Мазкур таъзияномаларда ушбу қайғули дамларда Ўзбекистон раҳбарияти, халқи ва Ислон Каримовнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирилиб, сабр-тоқат тиланган.

Қуйидагилар ўз таъзияномаларини йўллаган:

Европа Кенгаши Президенти — **Дональд Туск**

Франция Республикаси Президенти — **Франсуа Олланд**

Италия Республикаси Президенти — **Сержо Маттарелла**

Куба Республикаси Давлат Кенгаши ва Вазирлар Кенгашининг Раиси — **Рауль Кастро Рус**

Кувайт Давлати Амири — **Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**

Бангладеш Халқ Республикаси Президенти — **Абдул Ҳамид**

Бангладеш Халқ Республикаси Бош вазири — **Шайх Ҳасина Вазед**

Бруней Доруссалом Султони — **Ҳожи Ҳассанал Болкиах**

Бруней Доруссалом Бош вазирининг офиси вазири ва иккинчи ташқи ишлар ва савдо вазири — **Пехин Дато Лим Жок Сенг**

Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти — **Чан Дай Куанг**

Исроил Давлати Президенти — **Реувен Ривлин**

Қатар Давлати Бош вазири, ички ишлар вазири — **Шайх Абдуллоҳ бин Носир бин Халифа Ол Соний**

Буюк Британия Парламенти аъзоси, ташқи ишлар вазири — **Борис Жонсон**

Малайзия ташқи ишлар вазири ўринбосари — **Дато Сри Риизал Мериан бин Найна Мериан**

Малайзия ишбилармонлар ва саноатчилар ассоциацияси президенти — **Дато Мухаммад Изат Амир**

Ислон ҳамкорлик ташкилотининг Бош котиби — **Ийяд Амин Маданий**

“Газпром” компанияси бошқаруви раиси — **Алексей Миллер**

Германия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши ижрочи директори, “Дойче Кабель АГ Тошкент” қўшма корхонаси инвестори — **Фальк Порше**

Испания Конгресси депутаты — **Хосе Мария Чикийо Барбер**

Саудиялик ватандошлар.

Таъзияномалар келиши давом этмоқда.

ЭЛУ ЮРТГА БАХШИДА УМР

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон Республикаси Президенти, мустақиллигимизнинг асосчиси Ислон Каримов хотирасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, ёш ижодкорлар, адабий-бадий нашрлар ходимлари иштирок этди.

Тадбир аввалида Президентимиз портрети пойига гуллар қўйилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М. Аҳмедов, адабиётшунос олимлар Б. Назаров, У. Норматов, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Х. Тўхтабоев, Э. Аъзам ва бошқалар Ислон Каримовнинг халқимиз олдидаги буюк хизматлари, адабиётни равақ топтириш, миллий ўзлигимизни юксалтириш йўлидаги кўрсатган фидойилиги ҳақида сўзлаб, у кишининг вафоти Ватанимиз ва халқимиз учун ниҳоятда оғир йўқотиш эканини чуқур қайғу билан таъкидлади.

Ислон Каримов республикамизга раҳбар бўлиб келган давр халқимиз тақдирда ўта оғир, масъулиятли йиллар эди. Нафақат эркинлигимиз, балки миллийлигимиз, ўзлигимиз ҳам ҳалокат ёқасида турганди. Шундай мураккаб шароитда Ислон Каримов ташаббуси, фидойилиги билан ҳали мустақилликка эришилмай туриб, «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинди. Миллий байрам-

ларимиз, дину эътиқодимизга янгидан ҳаёт бахш этилди. Адабиётимизни равақ топтириш борисидеги ишлар амалга оширила бошланди.

Юртбошимиз «Адабиёт масаласи — маънавият масаласи» деган широнилари суриб, бу эзгу ғояни ҳаётга таъбиқ этишга раҳнамолик қилди. Ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, адабиёт майдонига кириб келаётган ёшларнинг ижодий салоҳиятини юзага чиқариш борисиде барча шароит яратилди. Буюк мутафаккир аждодларимизнинг маънавий меросини асраш, келажак авлодларга етказиш йўлида улкан ишлар амалга оширилди.

— Президентимизнинг маънавиятимишни юксалтириш борисиде кўрсатган юксак фидойилигига қўллаб-қувватлаш келтирилган мумкин, — дейди адабиётшунос олим Шўхрат Ризаев. — Масалалар, поётахтимизда «Шахидлар хотираси» хибобни барпо этилиши жараёнидаги ҳаракатлари асло кўз олдимиздан кетмайди.

(Давоми 2-бетда).

ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАМИША ХАЛҚИМИЗ ЮРАГИДА



(Давом. Бошланиш 1-бетда).

— Ўзбекистонда истиқлол туфайли тадбиркорлик ривожланиши, хорижий инвестицияларга кенг йўл очилиши Президент Ислон Каримов номи билан боғлиқ, — дейди Германиянинг “Siemens” компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Искандар Бўронов. — Мамлакатимизда қарор топган тинчлик, осойишталик, қулай ишбилармонлик муҳити хорижлик ҳамкорларни жалб этиб келмоқда. Компаниямиз ҳозирги кунда Устюрт газ-кимё мажмуаси ва бошқа йирик корхоналар билан самарали технологик ҳамкорликни амалга оширмоқда. Бу буюк инсон бошлаган хайрли ишлар янада самарадорлик билан давом этишига ишонамиз.

— Ўзбекистоннинг дунё давлатлари ичида ўз ўрнига эга бўлишида Президент Ислон Каримовнинг ўрни ҳамда роли беқиёс, — дейди Жанубий Кореянинг “Neworold” компанияси раиси Ли Сунг Хи. — Бугун Ўзбекистон ҳар жиҳатдан тараққий этмоқда. Муҳташам бинолар, обод кўчалар, халқнинг фаровон турмуши шундан далolat беради. Ислон Каримовнинг вафоти Ўзбекистон халқи учун огир йўқотиш бўлди. Чунки халқ ўз Президентини севарди, ҳурмат қиларди. Бугунги маросимлар, одамлар юзидаги маҳзунлик буни кўрсатиб турибди. Биз ҳам дардингизга шерикимиз.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири.

Отабек МИРСОАТОВ олган суратлар.

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар



Кичик корхонанинг катта имкониятлари

Фаргона

Бағдод туманидаги “Ароматъ Багдада” хусусий корхонаси жамоаси серкўш заминида этиштирилган сабзи, пиёз, қалампир, саримсоқпиёз, мош, лотвия, ерёмғоқни қайта ишлаб, экспорт қилиш борасида катта тажрибага эга.

— Йиллик ишлаб чиқариш имкониятимиз 500 тоннага тенг, — дейди корхона раҳбари Фуқат Бердиалиев. — Дастлабки 20 тоннага яқин қишлоқ хўжалиги неъматларини қуритиб, қадокланган ҳолда чет эллик ҳамкорларимизга етказиб бердик. Маҳсулотларимиз сифатли ва нисбатан арзонлиги туфайли хорижлик харидорларнинг эътиборига тушмоқда.

Корхонанинг ўтган йилги даромади 175 минг АҚШ долларига етган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични икки баробар ошириш йўлида изланишлар олиб борилаётди.

Яқинда жамоага ишлаб чиқариш кўламини янада кенгайтириш мақсадида 20 гектардан иборат ёрдамчи экин майдони ажратилди.

Элёржон ЭҲСОМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Буюртмачилар талаби асосида

Қашқадарё

Карши шаҳридаги “Олий нур асл савдо” масъулияти чекланган жамиятида 20 дан ортиқ турдаги темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ободонлаштириш, уй-жой ҳамда йўл қурилишида қўлланиладиган ушбу маҳсулотлардан Қарши шаҳридаги улкан бунёдкорлик ишларида кенг фойдаланилмоқда. Эътиборлиси, корхонадаги барча жараён инновацион технологияларга асосланган.

— Мазкур лойиҳамиз Қашқадарё вилоятининг саноат салоҳиятини юксалтириш дастури доирасида амалга оширилиб, бунинг учун 140 миллион сўмлик сармоа йўналтирилди, — дейди корхона раҳбари Олимжон Бўриев. — Ишлаб чиқаришда қўлланилаётган илғор ускуналар маҳсулотлар турини кўпайтиришга хизмат қилаётти. Уларнинг яна бир афзаллиги қурилишдаги лойиҳаларга қараб маҳсулот ҳажми ва кўринишига ўзгартириш киритиш мумкин.

Аҳмад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Экспорт ҳажми икки баробар кўпаяди

Тошкент вилояти

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган илмий хунармандчилик маҳсулотларига қўшни давлатларда ҳам талаб катта. Жумладан, тол новдаларидан тайёрланаётган мебеллар, тут дарахтидан ясаётган бешик ва беланчакларнинг харидори кўп.

Бунинг ҳисобга олган Зангиота туманидаги “Грант бовард продукт” масъулияти чекланган жамиятида бешик ясаш йўлга қўйилди. Эътиборлиси, маҳсулот чет эллик харидорларнинг буюртмаси асосида тайёрланмоқда.

Жамият хунармандлари йил бошидан бери 113,6 минг АҚШ долларлик экспорт амалиётини бажардилар. Улар йил охирига қадар мазкур кўрсаткични икки баробар кўпайтириш ҳаракатида.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Инновациялар ва амалиёт

Жиззах

Жиззах политика институтининг Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда “Ўзбекистоннинг аҳоли яшайдиган ҳудудларида иқлим ўзгаришига мослашув — Пахтакор туманида жойлашган “Фурқат” фермер хўжалигидаги намойиши” номи грант доирасида семинар-тренинг ўтказилди.

“Ўзбекистонда қуёш электр станцияларидан фойдаланиш муаммолари, ечим ва истиқболлари” мавзусидаги мазкур тадбирда олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари ҳамда Германиянинг юртимиздаги элчихонаси вакиллари иштирок этди.

— Муассасамиз илмий ходимлари томонидан Ўзбекистонда илк бор 10 киловаттлик қуёш электр станцияси ишга туширилиши эътиборга моликдир, — дейди институт ректори Эргаш Салиев. — Айни пайтда Гамбург техника университетидagi ҳамкасбаримиз билан ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтираёмиз.

Анжуманда, шунингдек, қуёш электр станцияларидан фойдаланган ҳолда, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш истиқболлари ҳақида сўз юритилди.

Толибжон ЭРГАШЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БУЮК ЙЎЛБОШЧИНИ ХОТИРЛАБ

(Давом. Бошланиш 1-бетда).

Ҳар икки йилда дунёнинг барча қитъасидан маданият ва санъат намояндлари Самарқандда “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида жам бўлиб, миллий мусиқа маданиятимиз тарихи ҳамда анъаналарини ўрганмоқда. Юртбошимизнинг ушбу тадбирларда иштирок этиб, “Менинг она шахрим Самарқандга хуш келибсиз!” деган бир оғиз каломининг ўзи қалбимизни фахр-ифтихорга тўлдирар эди. Бу буюк инсон барчамизнинг қалбимизда абадий яшайди.

Вилоятдаги давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари жамоалари, маҳаллалар ахли Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президентини ёд этиб, у киши бошлаган эзгу ишларни изчил давом эттиришга аҳд қилмоқда.

— Худди ёмон туш кўраётгандек “Ҳозир уйғониб кетаману ҳаммаси тумандек тарқаб кетади”, деб ўзимга тасалли бераман, — дейди пастандагонлик меҳнат фахрийси Рисолат Солиева. — Бутун борлиги, ҳаётини Ватанимиз равнақи, халқимиз тинч-осойишталигига бағишлаб, барчамизни буюк ишлар сари бошлаган Йўлбошчимизнинг бугун орамизда йўқлигига ҳеч ҳам ишонгим келмайди. У киши жисман ёнимизда бўлмаса-да, ўзи бунёд этган мустақил Ўзбекистон давлатини ривожлантиришга оид дастур ва юғялари, ташаббуслари бизни доим юксак марралар сари руҳлантиради. Ислон Каримов номи тинчликпарвар ва халқларвар давлат арбоби, доно сиёсатчи ҳамда комил инсон сифатида халқимиз қалбидан мангу жой олган.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президентини Ислон Каримов вафоти муносабати билан Навоий вилоятида ҳам видалашув маросимлари бўлиб ўтмоқда.

Алишер Навоий номидаги марказий маданият ва истироҳат боғи эрта тонгдан гавжум. Давлат идоралари, корхона ва ташкилотлар меҳнат жамоала-

ри, нурунийлар, ёшлар боғнинг шарқий дарвозасида ўрнатилган Президентимиз портрети пойига гуллар кўйди.

Вилоят аҳолиси халқимиз учун азиз ва қадрли бўлган Юртбошимиз раҳнамолигида асрларга татигулик ишлар амалга оширилгани, одамларнинг ҳаётга муносабати ўзгариб, онгу тафаккури ва турмушида кескин юксалишлар рўй берганини таъкидлади. Бу жудодик ватандошларимиз учун огир йўқотиш бўлди.

— Президентимиз Ислон Каримовнинг вафотидан, айниқса, биз, ёшлар чуқур қайғудамиз, — деди “Шуҳрат” медалли соҳиби Баҳоудин Абдуллаев. — Ҳар йили мамлакатимизнинг энг улғу байрами — мустақиллик тантаналарида сўзлайдиган нутқини катта ҳаяжон билан кутардик. Унда давлатимиз раҳбари ёшларга алоҳида мурожаат қилиб, бизни мудом фидойи бўлиб яшашга, маррани баланд олишга ундар эди. Биз, ёшлар учун барча шароит ва имкониятларни яратиб берган Президентимиз ишончига муносиб бўлиш ва у киши истаганидек, Ўзбекистонимизнинг энг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиши йўлида

бор куч-гайратимиз ва имкониятимизни ишга соламиз. Мотам тадбирлари вилоятнинг барча шаҳар туманларида бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президентини Ислон Каримов вафоти муносабати билан Тошкент вилоятининг барча туман ва шаҳарларида ҳам мотам маросимлари ўтказилмоқда.

Вилоят маънавият ва маърифат марказида давлат ҳамда жамоат ташкилотлари, кенг жамоатчилик вакиллари, нурунийлар ва ёшлар Президентимиз портрети пойига гуллар кўйиб, хотирасига таъзим бажо келтирмоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудида бўлгани каби мустақиллик йилларида Тошкент вилоятида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Туб таркибий ўзгариш ва янги ланишлар ҳудудда замонавий ишлаб чиқарадиган ноёб замонавий корхона, Янги Ангрен ҳамда Тошкент иссиқлик электр станциялари ва бошқа саноат корхоналари нафақат чиқарувчи кўплаб қўшма



корхоналар ташкил этилди. Вилоят ҳудудида жойлашган Ўзбекистон металлургия комбинати, Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи, Олмалик кон-металлургия комбинати, дунёга машҳур “Женерал моторс” компанияси билан ҳамкорликда барпо этилган, автомобиль двигателлари ишлаб чиқарадиган ноёб замонавий корхона, Янги Ангрен ҳамда Тошкент иссиқлик электр станциялари ва бошқа саноат корхоналари нафақат мамлакатимизда, балки Марка-

зий Осиё минтақасида йирик ишлаб чиқариш мажмуаларига айланди.

— Президентимиз Ислон Каримов мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини мунтазам ошириб бориш йўлида ҳамма ёниб яшади, — дейди “Эл-юрт хурмати” ордени соҳиби, меҳнат фахрийси С. Салоҳиддинов. — Бу ҳақда гапиряпману, шу йил 4 февраль куни бўлиб ўтган халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида у кишининг Тошкент вилояти — оддий вилоят эмас, у, авваламбор, пойтахт вилояти сифатида мамлакатимизда етакчи мавқени эгаллаб келади. Қайси соҳа ёки тармоқни олмайлик, бу замин катта имконият ва ресурсларга бой эканини кўрамиз. Шунинг учун ҳам Тошкент вилоятини мамлакатимиз ҳаётида янада юқори ўринга кўтариш, бу ерда яшаётган 2 миллион 770 мингдан зиёд аҳолининг тобора ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини муносиб даражада таъминлаш, айтиш керакки, бугун ҳам, эртанга ҳам, ҳеч шубҳасиз, энг долзарб вазирамиз бўлиб қолади, деб жонқурлик билан айтган сўзлари ҳаёлимдан бирма-бир ўтмоқда. Буюк Йўлбошчимизнинг мамлакат фаровонлиги, ёшлар камолоти йўлида амалга оширган беқиёс ишлари тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан абадий муҳрланади.

ЎЗА.

ЭЛУ ЮРТГА БАХШИДА УМР

(Давом. Бошланиш 1-бетда).

Юртбошимиз тифиз давлат ишларидан ортиб, ушбу музейни ташкил этиш жараёнини доимо кузатиб борган. Музей экспозициясини қандай асосда тузиш, унга қандай хужжатларни қўйиш, қандай тарихий манбаларга таяниш ҳақида берган йўл-йўриқларини эшитиб, лол қолганмиз. У киши нафақат сиёсат ва иқтисод, тарих соҳасида ҳам чуқур билимга эга эди. Она халқимизнинг узоқ ҳамда яқин ўтмиши ҳақида билим ва тушунчалари ниҳоятда юксак эди. Халқимизга ана шундай улғу зот раҳнамо бўлгани бизнинг бахтимиз. Ушбу бахту саодатимиз абадий бўлиши учун улғу Йўлбошчимиз бошлаган ислохотларни муносиб давом эттириб, Юртбошимизнинг руҳларини доимо шод этишимиз керак.

Бутун умрини элу юртимиз равнақи, бахти учун бағишлаган буюк инсон Ислон Каримовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда мангу сақланади.

Б. ХИДИРОВА, ЎЗА мухбири.

АКТ БЎЙИЧА ЎҚУВ-СЕМИНАР

Тошкент ахборот технологиялари касб-хунар коллежида “Интеллектуал” ахборот технологиялари бўйича лойиҳалар танлови ҳудудий босқичлари қолиблари учун ўқув-семинар ўтказилмоқда.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиқлари ҳамкорлигида ташкил қилинган мазкур тадбирда бугунги глобаллашув замонида интеграция жараёнидан узилмай, дунё тамаддунига ҳамқадам ривожланиш, соғлом ахборотланган жамиятни шаклланти-

ривожланмоқда. Интернет, мобиль алоқа ҳамда бошқа кўплаб юқори технологияли маҳсулотлар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораётди.

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологияларини ривожлантиришга кўмаклашадиган, соҳани янги, замонавий босқичга олиб чиқадиган меъёрий-ҳуқуқий база изчил такомиллаштирилмоқда.

Жорий йилнинг 9 сентябрига қадар давом этадиган ўқув-семинарларда иштирокчиларнинг ахборот-коммуникация технологиялари, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар,

Д. КАРИМОВ, ЎЗА мухбири.

Маҳаллийлаштириш дастури самаралари

Сурхондарё вилоятида 2015 — 2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури ижросини таъминлаш мақсадида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса кутилганидан зиёд самараларни бермоқда.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Хусусан, мазкур дастурга Узун туманидаги “Фидокор Сурхон агро-маш” масъулияти чекланган жамиятида қишлоқ хўжалиги техникалари учун эҳтиёт қисмлар, Денов туманидаги “The best oil is south oil” масъулияти чекланган жамиятида энгил ҳамда юк автомобилларининг мотор мойлари, Бойсун туманидаги “Жийдали Бойсун” хусусий корхонасида маиший техника, Термиз шаҳридаги “Барлс” масъулияти чекланган жамиятида эса электр жихозлари ишлаб чиқариш лойиҳалари киритилган эди.

Бугунги кунда ана шу лойиҳалар босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилган ҳолда, кўпга импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилиб, қўшимча иш ўринлари яратилмоқда. Жумладан, “The best oil is south oil” масъулияти чекланган жамияти томонидан жорий йилнинг ўтган ойлари давомида буюртмачиларга 101 тонна сифатли ҳамда кафолатли “Denov oil” универсал мотор мойи етказиб

берилди. Ишчи-хизматчилар сони 4 нафардан 10 нафарга кўлайди. — Илгари ушбу маҳсулот вилоятимизга фақат хориздан келтирилди, — дейди корхона раҳбари Давронбек Имомназаров. — Корхонамиз Маҳаллийлаштириш дастурига киритилганидан сўнг даромад, мол-мулк, ягона солиқ тўловларидан озод этилган, уни ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Иқтисод қилинаётган маблағ эса двигател мойлари тайёрлашда ишлатиладиган содани чет элдан харид қилиш учун йўналтирилмоқда. Шунингдек, жорий йил охиригача автомобиллар учун антифриз ишлаб чиқариш линиясини ҳам ишга туширмоқчимиз.

Воҳада, айниқса, иқти-

Қисқаси, Сурхондарё вилоятида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида фаолият юритаётган корхоналарда ишлаб чиқаришда юқори ўсиш суръатлари кузатилаётган. Бунда, албатта, давлатимиз томонидан уларга берилаётган имтиёз ҳамда яратилаётган имкониятлар муҳим аҳамият касб этапти.

Нормурод ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭЪТИБОР

Маълумотларга кўра, дунё аҳолисининг тўртдан бир қисмини ёшлар ташкил этади. Бироқ уларнинг қарийб юз миллиондан ортиги таълим олиш имкониятига эга эмас. Ҳар куни жаҳоннинг турли ҳудудларида кўпга болалар очлик, қашшоқлик ва бошқа сабаблар боис ҳаётдан кўз юмаётгани эса янада ачинарлидир.

Баркамол авлод — юрт таянчи

Бундай мисоллар билан танишар эканмиз, беихтиёр мамлакатимизда ёшлар учун яратилган шароитларни фахр билан тилга олгимиз келади. Зеро, мустақиллигимизнинг илк йилларидаёқ “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниши ҳам ушбу масала юксак даражага кўтарилганининг амалий ифодасидир. Бинобарин, бугун юртимизда таълим олиш, хунар ўрганиш, қобилиятни шакллантириш, иқтидорни юзага чиқариш, қисқача айтганда, комил инсон бўлиб камол топиш учун барча шароит муҳайё. Ўғил-қизларимизни истиқлол имкониятларидан фойдаланиб, келажак сари дадил қадам ташлашга рағбатлантиришда эса “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг муносиб ўрни бор.

Айни пайтда Ҳаракатнинг Андижон вилояти кенгаши ўз атрофида 314 минг 458 нафар йигит-қизни бирлаштирган. Уларнинг фаоллигини таъминлаш бўйича 1085 та бошланғич ташкилот иш олиб бормоқда. Эртаминг эгалари камолоти йўлида самарали хизмат қилиш учун 20 дан зиёд йўналишлардаги фаолият турини ўз олдимишга мақсад қилиб олганмики, бунинг натижасида амалга оширган ишларимиз ижобий натижасини бераётди. Биргина “Биз — буюк юрт фарзандлари-

миз!” шиори остида ўтказилган ёшлар фестивали доирасида 284 маротаба учрашув ташкил этилиб, 1224000 нафар ёш камраб олинди. Жамиятимизнинг олдинги сафида бориб, тенгдошларига ибрат бўлиб келаётган йигит-қизлар мунтазам рағбатлантириладигани, айни кунга қадар бунёд этилган 332 хонадондан иборат “Камолот” уйлариининг иқтидорли ёшларга тақдим этилгани бунга мисол бўла олади.

Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва етакчи халқаро бизнес-мактаблардан бири — “ИНСЕАД” томонидан олиб борилган тадқиқот хулосаларида баён этилишича, мамлакатимиз таълим тизимини ривожлантириш даражаси, жумладан, таълим мақсадлари учун ажратиладиган маблағлар бўйича дунёда 5-ўринни эгаллади. Бу республикамизда навқирон авлодга яратилган имкониятлар нечоғли улкан эканлигининг яна бир ёрқин ифодасидир.

Бугун ёшларимизнинг жаҳон майдонида ўз нуфузи, айтар сўзи бор. Энг муҳими, олдига қўйган эзгу мақсадлари муштарак. Шундай экан, эртанги кунимиз ишончли кўларда, дея айтиш мумкин.

Элёрбек АБДУҚОДИРОВ,
«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Андижон вилояти кенгаши раиси.

«Дишанқалъа»да меҳмонхона қурилди

Хива шаҳрининг “Дишанқалъа” ёдгорлик мажмуида ўттиз ўринли “Шамс-Хива” меҳмонхонаси қурилиб, ишга туширилди.

Уни бунёд этиш ва жиҳозлашга Ўзбекистон Касаба уюмлари Федерацияси Кенгаши томонидан 4 миллиард 100 миллион сўм миқдорда маблағ сарфланди. Бу ерда сайёҳлар учун барча қулайлик яратилган.

— Мазкур маскан ҳар қандай диди назик меҳмонга манзур бўлишига ишонамиз, — дейди “Чинобод” корхонаси раҳбари Отаҳон Машарипов.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳосилдорликнинг муҳим омили

Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати — ҳосил тақдирини ҳал қилувчи муҳим омил. Шу боис мамлакатимизда экин майдонлари унумдорлигини ошириш борасида устувор чора-тадбирлар белгиланиб, уларнинг ижроси изчил таъминланаётди.

МЕЛИОРАЦИЯ

Жумладан, биргина Сирдарё вилоятида кейинги саккиз йил мобайнида 112 миллиард сўмдан зиёд маблағ эвазига 542 километрлик коллектор-дренаж тармоқлари, 73,7 километрлик ёпиқ, 195 та тик дренаж иншооти реконструкция қилинди. Шунингдек, 20 та насос станцияси ва 824 та кузатув қудуғида ҳам кенг қўламли таъмирлаш ишлари бажарилди. Йиғилган сувларни чиқариб юборишга мўлжалланган Марказий Мирзачўл ҳамда Шўрўзак коллекторларининг жами 33 километрлик қисми соз ҳолатга келтирилди.

Олиб борилган амалий сайёҳаракатлар натижасида 2008 — 2015 йиллар мобайнида 147,5 минг гектар сугориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, ҳосилдорликни ошириш имконияти яратилди. Бунда ҳудудда бевосита мелиорация ва ирригация ишларини олиб боришга ихтисослаштирилган бир неча янги

МОДЕРНИЗАЦИЯ


Амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар иқтисодий таъминоти ривожига жадаллик ва барқарорлик бағишлаётгани барчага маълум. Бу, жумладан, ишлаб чиқаришни модернизация ҳамда диверсификация қилиш орқали ҳудудлар саноат салоҳиятини ошириш, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиётига йўналтирилган дастурлар ижросида ҳам кузатилади.

Илғор технологик жараён юқори сифат кафолатидир

Хусусан, илғор технологияларни навбатма-навбат жорий этиб, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаш ҳамда бу орқали истеъмол бозорини тўлдиришда фаол иштирок этиш тадбиркорлик субъектларининг ўзига хос жиҳатига айланиб бормоқда. Наманган шаҳридаги “Наманган момиқ сочиқлари” масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шундай корхоналардан биридир. Бу ерда бугунги кунда 221 киши меҳнат қилиб, пахта толасидан кўпга турдаги экспортбоп маҳсулотлар тайёрланмоқда. Ип йиғириш, ўраш ва тўқиш, гул босиш юмушларининг барчаси энг замонавий технологик ускуналар ёрдамида амалга оширилади.

Сўнги йилларда МЧЖда кенг қўламли модернизациялаш тадбирлари оlib борилди. Пировадидида мавжуд цехларга компьютерлаштирилган технологик линиялар ўрнатилди. Тадбиркорлик субъекти бунинг учун 2 миллион 780 минг АҚШ доллари миқдоридан сармоа йўналтирди.

Таъкидлаш лозимки, техник ҳамда технологик янгиланишлардан сўнг корхона салоҳияти сезиларли даражада ортди. Буни, масалан, ўтган йили 37,4 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлангани ҳам кўриш мумкин. Мазкур кўрсаткич 2014 йилда 9,4 миллиард сўм эди. Жорий йилнинг олти ойида эса 27,5 миллиард сўмликдан ортик тўқимачилик буюм-



лари ишлаб чиқарилди. Ўз навбатида, маҳсулот тури ортиб, момиқ сочиқлар қаторига катталар ва болалар момиқ халатлари ҳамда чойшаблар қўшилди. Умуман олганда, ҳозирги кунда истеъмол бозорига 350 дан зиёд турдаги товарлар етказиб берилапти.

— Биз тайёрлаётган маҳсулотларнинг матоси нам ва сувни тўлиқ шимиб олиши билан турдошларидан ажралиб туради, — дейди МЧЖ раҳбари Фиёсиддин Бобоҳонов. — Харидор учун бу жуда муҳим. Шу боис ички бозорда ҳам, хорижда ҳам унга талаб ортиб бораёпти. Айниқса, ташқи бозордан таклифлар тобора кўпаймоқда. Шундан келиб чиқиб, маҳсулотнинг асосий қисмини экспортга чиқараёلمиз. Жумладан, жорий йилнинг олти ойи мобайнида чет элдаги ҳамкорларимизга “Art soft tex” савдо белгиси остида 3 миллион 300 минг АҚШ доллари тенг маҳсулот етказиб бердик. Ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокимиз муносиб баҳоланиб, яқинда Ўзбекистон Миллий бизнес-рейтинг уюшмаси қарорига кўра, пахтадан тайёрланган газлама ишлаб чиқарувчи экспортчи корхоналар ўртасида “кумуш” рейтингга сазовор бўлди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар

Замонавий соғломлаштириш маскани

Навоий

Кармана туманидаги “Металлур” санаторий-профилакторийсини янги биноси фойдаланишга топширилди. Шунингдек, мазкур соғломлаштириш маскани 2 миллиард сўмлик маблағ эвазига замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминланди.

Айни пайтда кўркам мажмуада Навоий металлургия комбинати

ишчи-ходимларининг дам олишлари учун барча шарт-шароит яратилган.

— 200 ўринли муассасамизда парафин, сув ва балчиқ билан даволаш йўлга қўйилган, — дейди профилакторий бош шифокори Дилмурод Рўзиев. — Шу боис бу ерга келганлар қисқа фурсатда ўз соғлиқларини мустаҳкамлаб олиш имкониятига эга бўлмоқда.

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Жозибадор ёрликлар тайёрланмоқда

Андижон

Маҳсулот харидорлигини таъминлашда унинг ёрлиги муҳим ўрин тутди. Шаҳрихон туманида ташкил этилган “Аҳл чин барака” қўшма корхонасида барчанинг эътиборини тортадиган шундай ашёлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

— Даставвал бу борадаги халқаро тажрибаларни пухта ўргандик, — дейди корхона раҳбари Абдукарим Ҳайдаров. — Ҳозир ишлаб чиқарилган мадхус ёрликларимиз халқаро андозалар даражасида бўлишига интилаймиз. Шу боис ҳам йил охирига қадар мутахасссларимиз малакасини ошириб, янги лойиҳалар устида ишламоқчимиз.

Ушбу бизнес-режани рўёбга чиқариш учун 500 минг АҚШ доллари миқдорига маблағ сарфланди. Айни пайтда 30 киши меҳнат қилаётган корхонада миқдорлар таклифига биноан маҳсулотларнинг илк туркумини ишлаб чиқаришга киришилди.

Саминжон ҲУСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Фуқаролар йиғини учун кўркам бино

Бухоро

Ромитан туманидаги Самосий маҳалласи замонавий марказга эга бўлди. Бу ерда фуқаролар йиғини учун кўркам бино қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Фуқаролар йиғинларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят

бўлими раиси Маҳмуд Тоиров. — Ўтган давр мобайнида 120 та фуқаролар йиғини компьютер жамламалари, 230 таси мебель жиҳозлари билан таъминланди. Биргина шу йилнинг ўтган даврида улар жойлашган биналарнинг 30 таси жорий ва мукамал таъмирдан чиқарилди, 15 таси янгидан қурилди.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ради. Насос станцияларимизга ўрнатилган замонавий агрегатлар эса электр энергиясини сезиларли даражада тежаси баробарида, сувни узлуксиз узатиб беришни ҳам кафолатлайди. Яна бир неча насос станцияларимиз кўёш батареялари воситасида қувватлантирилаётгани ҳам айтиш жоиз. Муҳими, соҳада бундай ўзгаришлар кўп. Масалан, ўтган йили 20,7 километрлик ирригация тармоғида қурилиш-реконструкция ишлари ниҳоясига

етказилди. Натижада 3955 гектар майдонга сув етказиб бериш ҳолати тубдан яхшиланди. Дарҳақиқат, кейинги йилларда вилоятдаги ирригация тизимида олиб борилаётган қурилиш ҳамда реконструкция тадбирлари кўзланган мақсад кенг қўламли. Яъни бу соҳадаги юмушлар сувдан омилкорлик билан фойдаланиш, ортиқча исрофгарчиликнинг олдини олиш, ерларнинг икклиматик шўрланишига йўл қўймасликка қаратилган ҳолда бажарилмоқда.



Шомурот ШАРАПОВ оlingан сурат.

— Она заминимиз саховатли, — дейди Сайхунбод туманидаги “Қоратой Мирзаев” фермер хўжалиги раҳбари, “Эл-юрт хурмати” ордени соҳибига Икром Қоратоев. — Бирок экин майдонларимиз собиқ тузум даврида сепилган захарли препаратлар, пахтадан имкон борица мўл ҳосил олиш илинжида мажбуран қўлланилган номақбул агротехнологиялар оқибатида унумдорлигини йўқотганини биз, деҳқонлар яхши биламиз. Шукрки, бугун еримиз — ўзимизники! Энди унинг бир қисми пахтазору ғаллазор бўлса, бир томони боғу роғлар, дастурхонимиз тўқинлиги манбаи бўлган экинзорлардан иборат. Вилоятимиздаги сугориладиган майдонларда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келаётди. Экинларнинг мақбул жойлаштирилиши туфайли юқори ҳосил олишга эришилапти.

Ер — ризқ-рўзимиз манбаи. Уни қадрлаб, меҳр бериб парвариш қилсақ, замин ҳам биздан ўз саховатини аямайди. Шу маънода, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган бундай истиқболли лойиҳаларнинг амалга оширилиши эл-юрт равақига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Спорт



Шу кунларда Иорданиянинг Амман шаҳрида оғир атлетика бўйича Афро-Осиё чемпионати бўлиб ўтмоқда. Эътиборли жиҳати, нуфузли мусобақанинг дастлабки кунидеяк ўнта олтин ва учта кумуш медални қўлга киритган Ўзбекистон аёллар терма жамоаси умумжамоа ҳисобида пешқадамга айланди.

Оғир атлетикачиларимиз — икки қитъа ғолиби


Хусусан, Муаттар Набиева вази 53 килограммга бўлган атлетлар ўртасида штангани силтаб кўтаришда 97 килограмм натижа қайд этиб, ғолибликка эришди. Тажрибали спортчимиз Марина Сисоева (-58 кг.) даст кўтаришда 82, силтаб кўтаришда 103, умумий ҳисобда эса 185 килограмм оғирликни бўйсундириб, бир йўла уч олтин медалга эгалик қилди.

Олтмиш тўққиз килограммга бўлганлар бахсида Манзура Мама-солиева ҳам уч олтин медал билан тақдирланди. У даст кўтаришда 91, силтаб кўтаришда 119, икки кураш якунига кўра 210 кг. натижага эришди. Мазкур вазн тоифа-

сида эндигина ўн олти ёшга тўлган вакилимиз Гулноза Аҳмадова кумуш медалларни қўлга киритди.

Вази 75 килограммгача бўлган қизлар мусобақасида терма жамоамиз аъзоси Омадой

Отақўзиёвага тенг келадиган рақиб топилмади. У даст кўтаришда 80, силтаб кўтаришда 103, умумий ҳисобда 183 килограмм оғирликни бўйсундириб, чемпионга айланди.



Сабина бош совринни қўлга киритди

Халқаро теннис федерацияси (ITF) томонидан Хитойда ўтказилган халқаро турнирда тажрибали ракетка устаси Сабина Шарипова бош совринни қўлга киритди.

Юртдошимиз дастлаб хитойлик Хао Чен Танг, кейин эса Хитой Тайпейи вакили Чиех-Ю Хсудан устун келди. Ярим финалда мезбонлар теннисчиси Чанг Лиюни енгни. Сабина ҳал қилувчи

учрашувда яна бир хитойлик спортчи — Ханю Гуога қарши қорғат чикди ва 6:7, 7:6, 6:4 ҳисобида ғалаба қозонди.

Моҳир теннисчимиз Оқғул Омонмуродова эса Венгрияда ўтказилаёт-

ган халқаро турнирни муваффақиятли бошлади. У дастлабки босқичда сербиялик Барбара Боничи мағлубиятга учратди. Энди Оқғул польшалик Магдалена Фречга қарши баҳс олиб боради.

Ёшларга қулайлик

Фарғона шаҳридаги 1-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби янги кўринишда ёшлар ихтиёрига топширилди.

Бинобарин, ушбу маскан қошида 1 миллиард 200 миллион сўм ҳисобига иккита махсус мажмуа, спорт зали ҳамда 30 ўринли ётоқхона барпо этилди.

— Ўтган йиллар давомида вилоятимиздаги таъмирталаб ҳолатга келган юздан ортиқ ана шундай объектларда реконструкция ишлари амалга оширилди, — дейди Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят бўлими мутахассиси Каюмжон Умаров. — Хусусан, Фарғона шаҳридаги мазкур мактабдаги бунёдкорлик юмушлари 622 нафар спортсевар йигит-қизга қўшимча қулайлик яратди.

Элёржон ЭХОНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Atlantic-gulf group» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади.

«Atlantic-gulf group» МЧЖ Андижон филиалида 2016 йил 7 октябрь куни соат 11.00 да бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидея ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

I. Балиқчи тумани СИБ томонидан ФИБ Избоскан туманлараро судининг 2016 йил 15 февралдаги 96-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Балиқчи тумани, «Хўжабод» ҚФЙ, «Гузар» МФЙ ҳудудида жойлашган, қурилиш майдони 223,77 кв. м. бўлган уй-жой.

Бошлангич баҳоси — 143 858 672 сўм.

II. Балиқчи тумани СИБ томонидан Андижон вилояти хўжалик судининг 2015 йил 5 августдаги 17-1503/11961-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Балиқчи тумани, «Балиқчи» ҚФЙ, «Ўртақўрғон» МФЙ ҳудудида жойлашган, қурилиш майдони 298,68 кв. м. бўлган, А-литердаги 2 қаватли мамырий бино.

Бошлангич баҳоси — 151 612 516 сўм.

III. Андижон шаҳар СИБ томонидан 9-сонли давлат нотариал идорасининг 2016 йил 15 апрелдаги 2-771-сонли ижро хатига асосан хатланган, Олтинкўл тумани, «Сувулдуз» ҚФЙ, Туркистон массивида жойлашган, қурилиш майдони 317,10 кв. м. бўлган ҳаммом бино-иншоотлари.

Бошлангич баҳоси — 179 187 495 сўм.

IV. Хўжабод тумани СИБ томонидан ФИБ Хўжабод туманлараро судининг 2016 йил 11 майдаги 1-650-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Хўжабод тумани, «Бирлашган» ҚФЙ, «Хидирша» МФЙ, Иттифоқ массивида жойлашган, қурилиш майдони 234,44 кв. м. бўлган уй-жой.

Бошлангич баҳоси — 166 500 000 сўм.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 5 октябрь куни соат 17.00.

2016 йил 23 сентябрь куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

I. Жалақудук тумани СИБ томонидан:

1. Андижон вилояти хўжалик судининг 2014 йил 25 мартдаги 17-1411/529-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Жалақудук тумани, «Қатортол» ҚФЙ, Қатортол массивида жойлашган, ер майдони 400 кв. м., қурилиш майдони 123,24 кв. м. бўлган, А, А1, А2, Б, В-литерлардаги автомобилларга ёниги қуйиш шохобчаси.

Бошлангич баҳоси — 53 266 332 сўм.

2. Андижон вилояти хўжалик судининг 2009 йил 28 майдаги 17-0908/2927-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Жалақудук тумани, «Қатортол» ҚФЙ, «Достонобод» МФЙ ҳудудида жойлашган, қурилиш майдони 1545,57 кв. м. бўлган, Б, В, В1, Г, Д, Е, Ё-чизма белгидаги бино-иншоотлар.

Бошлангич баҳоси — 41 687 737 сўм.

3. Андижон вилояти хўжалик судининг 2011 йил 27 июндаги 17-1109/6922-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Жалақудук тумани, «Жалақудук» ҚФЙ, Тоштомат массивида жойлашган, қурилиш майдони 1077,74 кв. м. бўлган, А, Б, В, В1-чизма белгидаги трактор гаражининг чойхона бино-иншоотлари.

Бошлангич баҳоси — 35 078 865 сўм.

4. Андижон вилояти хўжалик судининг 2011 йил

9 мартдаги 17-1107/2496-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Жалақудук тумани, Абдуллабий номидаги ҚФЙ, «Ибрат» МФЙ ҳудудида жойлашган, қурилиш майдони 2037,30 кв. м. бўлган, Е, Ж, З, И, К, Л, М, Н-чизма белгидаги бино-иншоотлар.

Бошлангич баҳоси — 37 958 170 сўм.

II. Хўжабод тумани СИБ томонидан Андижон вилояти хўжалик судининг 2015 йил 18 сентябрдаги 17-1508/11333-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Хўжабод тумани, Бобур номидаги МФЙ, Дўстлик кўчаси, 1-уйда жойлашган:

1. Қурилиш майдони 152,52 кв. м. бўлган, 3-литердаги қозонхона биноси.

Бошлангич баҳоси — 28 598 685 сўм.

2. Қурилиш майдони 889,38 кв. м. бўлган, Л-литердаги техник хизмат кўрсатиш биноси.

Бошлангич баҳоси — 151 012 884 сўм.

III. Пахтаобод тумани СИБ томонидан ФИБ Избоскан туманлараро судининг 2015 йил 8 июлдаги 2020-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Пахтаобод тумани, «Маданият» ҚФЙ, «Маданият» МФЙ ҳудудида жойлашган, қурилиш майдони 1442,26 кв. м. бўлган молхона бино-иншоотлари.

Бошлангич баҳоси — 85 000 000 сўм.

IV. Балиқчи тумани СИБ томонидан Андижон вилояти хўжалик судининг 2013 йил 3 апрелдаги 17-1311/1566-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

1. Балиқчи тумани, «Гулистон» ҚФЙ, «Мирзабошичек» МФЙ ҳудудида жойлашган, қурилиш майдони 380,74 кв. м. бўлган, 0004, 0008, 0009, 0010-литерлардаги бино-иншоотлар.

Бошлангич баҳоси — 27 730 191 сўм.

2. Балиқчи тумани, «Балиқчи» ҚФЙ, «Оққўрғон» МФЙ ҳудудида жойлашган, қурилиш майдони 56 кв. м. бўлган бино-иншоотлар.

Бошлангич баҳоси — 9 560 699 сўм.

V. Олтинкўл тумани СИБ томонидан ФИБ Андижон туманлараро судининг 2016 йил 25 январдаги 1-5713/760-16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтинкўл тумани, «Маслаҳат» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, қурилиш майдони 1552,0 кв. м. бўлган, А-литердаги омборхона биноси ҳамда асфальт майдони.

Бошлангич баҳоси — 95 000 000 сўм.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 21 сентябрь куни соат 17.00. Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Atlantic-gulf group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Сергели филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000900617990001, МФО: 01042, СТИР: 303937373.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Андижон шаҳри, Миллий тикланиш кўчаси, 36-уй, 3-қават. Телефон: (0-374) 228-46-16.

Хизматлар лицензияланган.

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ

бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидея ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банкининг Тошкент шаҳар Яшнобод филиалига тегишли, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Авиасозлар кўчаси, 17-уйда жойлашган, умумий майдони 74,0 кв. м. бўлган, 5 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми такроран қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 230 831 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 19 сентябрь куни соат 11.00 да Республика биржа маркази биносидея бўлиб ўтади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2016 йил 4, 19 октябрь кунлари соат 11.00 да ўтказилади. Талабгорлар закат пули тўғрисидаги келишувни имзолаганидан сўнг объект бошлангич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини «Tashkent realtor service» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки Тошкент шаҳар Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000804876496001, МФО: 01101, СТИР: 301743808.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:

- юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Ҳужжатлар 2016 йил 3 сентябрдан бошлаб иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй, 1-қават, 16-хонада қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Қўшимча маълумотларни realtorservice@mail.ru ҳамда (+99871) 147-40-00 рақамли телефон орқали олиш мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюрогма Г — 967. 75 932 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўйиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.

Навбатчи — З. Апурова.

Мусаҳҳих — С. Исломов.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.17 Топширилди — 22.55 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси